


Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди




Бугун, Узун тумани ҳокимлиги мажлислар залида Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг навбатдаги 51 сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда туман Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессия ишини Халқ депутатлари Узун туман Кенгаши раиси ўринбосари – Тошбоев Бўри Ишмаматович бошқариб борди.

Сессия ишида депутатлар томонидан кун тартибидаги қуйидаги 9 та масала кўриб чиқилди.




**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЗУН ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ЭЛЛИК БИРИНЧИ
СЕССИЯСИ
КУН ТАРТИБИ**

2022-йил 15-ноябр соат 10:00


1. Туман даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича 2022-йил 3-чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида туман Адлия бўлими бошлиғининг ахбороти тўғрисида

Маърузачи: Туман Адлия бўлими бошлиғи - У.Дониёров




2 Узун тумани Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази бошлиғининг “2022-йил 3-чорагида ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти самарадорлиги таҳлили тўғрисида”ги ҳисоботи ҳақида

**Маърузачи: Узун тумани Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни
ривожлантириш маркази бошлиғи Х.Расулов**



3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022-йил 27-апрелдаги “Ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари тўғрисида” КҚ-337-ИБ-сон қарори ижроси тўғрисида.

Маърузачи: Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати С.Ражабова



4. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021-йил 14-декабрда ўтказилган “Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги, келгусидаги устувор вазифалар ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш, 2022-йилда меҳнат баланси ва бандлик дастурини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги видеоселектор йиғилишининг 55-сонли баёнига асосан Узун туманида 2022-йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар юзасидан Туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи ўринбосари Ҳ.Саидовнинг ҳисоботи тўғрисида

Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни

ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясида муҳокама қилинган

5. “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида “Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали Узун тумани газ таъминоти бўлими бошлиғининг ҳисоботи тўғрисида;

Халқ депутатлари туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясида муҳокама қилинган

6 Узун туман электр таъминоти корхонаси томонидан 2022-йилнинг ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи А.Ғаффоровнинг ҳисоботи тўғрисида.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясида муҳокама қилинган

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 31-майдаги ПҚ-5132-сонли “lpro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг тегишли доимий комиссияси муҳокама қилинган

8. Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг 2022-йил 2-ноябрдаги ВИ-50-151-8-118-К/22-сонли 2022-йилнинг ИИИ-чораги давомида Узун туман маҳаллий бюджети даромадлар режасининг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисидаги қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 22-апрелдаги 213-Ф-сон фармойишига асосан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Узун тумани бўлими қошида очилган “Саховат ва кўмак” жамғармасига тушган маблағларнинг сарфланиши ҳақида

10. Бошқа масалалар.

Сессияда кун тартибидаги масалалар юзасидан масъулларнинг ҳисоботлари тингланди ва уларнинг ҳисоботлари депутатлар томонидан апрофлича муҳокама

қилиниб, тегишли қарор лойиҳалари қабул қилинди.

